



“Кахф” сўзи лугатда “гор” маъносини англатади. Бу сура Маккада нозил бўлган, 110 оятдан иборат. Сурадаги асосий кисса кахрамонлари Аллохга иймон келтирган ёш йигитлар хисобланади. Улар ўз замонларидаги золим подшоҳнинг зулмидан иймонларини саклаш учун горга кириб оладилар ва ўша жойда илохий мўжизалар содир бўлади. Сура номи шундан олинган. Кахф сурасида бу киссадан ташқари Одам алайхиссалом ва иблис, Мусо алайхиссалом ва солих банда (Хизр) киссалари, Зулкарнайн киссаси каби бир-биридан ажойиб киссалар баён килинган. Кахф сураси Куръони каримда ҳамд билан бошланган сураларнинг бири хисобланади.

Кахф сурасининг фазилати тўғрисида Набий алайхиссалом бундай деганлар: “Ким Кахф сураси бошидан ўн оят ёдласа, дажжол (ёмонлиги, фитнаси)дан сакланади” (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насай, Ахмад ривоятлари).

Дажжол Киёматга яқин чиқиб, илохликни даъво қилади, одамларни йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Агар унга ишонсалар, уларга осмондаги Ойни ваъда қилиб, кофир бўлишга ундайди. Шундай кўркинчли ва тахликали кунда Кахф сурасини ўқиб, уқиб юрган мўминлар Дажжолнинг фитнаю ёмонликларидан йирокда бўладилар.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким Кахф сурасини жума куни ўқиса, унинг учун ўзи ва икки жума ўртасини ёритувчи нур порлайди», – деганлар (Имом Хоқим «Мустадрок»да ривоят қилганлар. Санади саҳих).

Сахл ибн Муоз ибн Анас жуханийдан, у киши отасидан ривоят килади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким Кахф сурасининг аввали ва охирини ўқиса, оёгидан бошигача нурга кўмилади (нурли бўлади). Ким уни тўлик ўқиса, унинг учун осмон билан Ер масофасича нур пайдо бўлади (порлайди) (Имом Ахмад ва Табароний ривоятлари).

Бугун муборак жума, Кахф сурасини ўқинг ва зикр килинган хамда килинмаган фазилатларга эга бўлинг.

Манбалар асосида

Аъзамжон Тошпўлатов тайёрлади